



2018-2019 йил учун глобал ислом иктисодиёти хакида хисоботда айтилишича, 2018 йил бошига бўлган холатда дунёда 1,8 млрд атрофида мусулмон яшаган, 2060 йилга келиб эса уларнинг сони 3 млрд кишига етади ва 70% ўсади. Башоратларга кўра, халол махсулотлар ва мусулмон хизматлари бозори (ислом молиясини хисобга олмаган холда) 3 трлн долларга етади. Бу хакида Козогистон таҳлил хизмати [Energyprom.kz](#) хабар беради.

---

Халол талабларига мувофик тайёрланган озик-овкат махсулотлари бозори хажми 2017 йилда 1,3 трлн долларни ташкил килди, 2023 йил эса 6,1%га ўсиб, \$ 1,9 трлн долларга етиши кутилмокда.

Халол махсулотлар энг кўп Индонезияда истеъмол килинади, бу ёрда харажатлар, сўнгги маълумотларга кўра, 170 млрд долларни ташкил килган. Шунингдек, Туркия ва Покистон хам биринчи учликка кирди — мос равишда 127 млрд ва 118 млрд доллар. ТОП-5 ни Миср (86 млрд) ва Бангладеш (76 млрд) якунлайди.

«Шу билан бирга, бозорнинг тезрок ривожланишига тўскинлик киладиган мухим муаммо бу ягона глобал озик-овкат стандартлари йўклиги: амалда хар бир мусулмон мамлакати ўзининг сертификатлаш ташкилотига эга. Хозирги кунда бутун дунёда 120 дан ортик Халол сертификатлаш идоралари, жумладан Малайзия, Индонезия, Сингапур, Таиланд ва Филиппин каби мухим мамлакатларда давлат идоралари мавжуд. Бундан ташкари, сертификатлаштириш стандартлари ўзгариб туради, бу кўшимча харажатларга олиб келади ва халкаро савдо имкониятларини камайтиради», - изоҳ беради [Energyprom.kz](#) таҳлилчилари.

Хозирги пайтда Козогистон халол саноати Ассоциацияси томонидан 600 та махаллий ва 50 та хорижий компания сертификатланган. Сертификатлаш стандартлари гўшт ва гўшт махсулотлари, балик ва балик махсулотлари, сут, тухум, дон ва бошка йўналишларга нисбатан амал килади.

Жорий йилнинг июль ойи охирида Козогистон бош вазири Аскар Мамин мусулмон бозорларида Козогистон халол махсулотларининг ракобатбардошлиқ кобилияти юкори бўлиши, халкаро талабларга мувофик бўлиши учун назорат тизимини ривожлантиришин талаб килишини айтди. У 15 августгача халол махсулотларни ривожлантириш бўйича Йўл харитаси тайёрлашга топширик берди.

Ўз навбатида, кишлок хўжалиги вазири Сапархон Омаров органик ва халол махсулотларни ишлаб чикириш, кайта ишлаш ва сертификатлаш тизимини йўлга кўйиш кераклигини таъкидлади. Вазир муаммолар хакида хам гапирди: гарчи Ислом Озик-овкат хавфсизлиги ташкилотини тузиш ташаббускори айнан Козогистон бўлсада, мамлакатда халол махсулотлар ишлаб чикириш бўйича конунчиллик йўк. Козогистон учун фойда Исломий давлатларга озик-овкат етказиб беришни кўпайтиришdir. Республикада халол ишлаб чикиршини ривожлантириш бўйича харакатлар режаси бўлмаган холда, экспортнинг ўсишини таъминлаш мумкин эмас.